

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI

OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI

TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI



PSIXIATRIYA VA NARKOLOGIYA KAFEDRASI

**UMUMIY PSIXOPATOLOGIYA. ANIQLASH.**

**ERTA TASHXISLASH**

MAVZUSI BO'YICHA

(O'QUV USLUBIY QO'LLANMA)

TOSHKENT 2020

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ  
ТИББИЁТ ТАЪЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ  
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ



"Тасдиқлайман"

ТТГА Илмий Кенгашининг раиси  
Профессор Тоймуратов Ш.А.

2020 йил

ТИББИЙ ПЕДАГОГИКА ВА ДАВОЛАШ ФАКУЛЬТЕТИ  
5-КУРС ТАЛАБАЛРИ УЧУН  
"УМУМНИЙ ПСИХОПАТОЛОГИЯ, АНИҚЛАШ ЭРТА ТАШХИСЛАШ"  
ЎҚУВ ҚўЛЛАНМА

TOSHKENT TIBBIYOT  
AKADEMIYASI KUTUBXONASI  
№ \_\_\_\_\_

Тошкент 2020 йил



**Тузувчи:**

Н.А. Умуров – ТТА “Психиатрия ва наркология” кафедраси ассистенти.  
М.Н. Ражабов - ТТА “Психиатрия ва наркология” кафедраси ассистенти.  
М.Э. Турдиева- ТТА “Психиатрия ва наркология” кафедраси ассистенти.

**Такризчилар:**

Ашуров З.Ш. - Тошкент тиббиёт академиясининг “Психиатрия ва наркология” кафедраси mudiri тиббиёт фанлари доктори, доцент

Султонов Ш.Х. – Тошкент Давлат Стоматология институти “3-сонли терапевтик йўналишдаги фанлар” кафедраси mudiri тиббиёт фанлари доктори, доцент.


Ўқув-услубий қўлланма ТТА “Терапевтик фанлар ва УАШ таёрлаш” йўналиши бўйича циклопредмет секциясининг йиғилишида кўриб чиқилган.  
Баённома № \_\_\_\_\_

Ўқув-услубий қўлланма ТТА Илмий услубий кенгаш йиғилишида кўриб чиқилган:

Баённома № 4. 18. 12. 2020

Ўқув-услубий қўлланма ТТА Илмий Кенгашида кўриб чиқилган ва тасдиқланган:

Баённома № 8. 24. 01. 2021



## I. НАЗАРИЙ ҚИСМ

**Мавзу № 2. УМУМИЙ ПСИХОПАТОЛОГИЯ. АНИҚЛАШ. ЭРТА ТАШХИСЛАШ.**

Ўқув вақти: 6,0 соат	
Ўқув машғулотининг тузилиши	1. Кириш сўзи 2. Кириш бўлими 3. Аналитик бўлим - инновацион технологиялар - масалалар - ўйинлар - тестлар 4. Амалий бўлим
Ўқув машғулотининг мақсади : Кўникмалар ҳосил қилиш/билимларни чуқурлаштириш	
<b>Педагогик вазифалар:</b> - талабаларни умумий патопсихология асослари, психология усуллари, сфералар бқйича тақсимлаш, ҳар бир сферадаги симптомлар комплексини ўрганиш - рухий касаллақларга тасниф бериш - касалликлар этиопатогенези, профилактикасининг узига хос хусусиятлари тугрисида билимларни шакллантириш. - клиник қуринишлари, симптомлар, синдромларни	<b>Ўқув фаолиятининг натижалари:</b> <b>Талаба билиши лозим:</b> - Талаба бажара олиши лозим: Психиатрия ва наркология предмети ва вазифаларини; Сизги ва идрок, тафаккур, хотира, диққат ва интеллект, хиссиёт, ирода, мақсадли фаолият, онг патологиясини таснифини; рухий фаолиятнинг ушбу патологиясини нозологик бирликларда узига хослигини. Сизги ва идрок, тафаккур, хотира, диққат ва интеллект хиссиёт, ирода, мақсадли фаолият, онг, бузилишларининг клиник қуринишини; Сизги ва идрок, тафаккур, хотира, диққат ва интеллект, хиссиёт, ирода, мақсадли фаолият, онг бузилиши синдромлари. «симптом», «синдром» тушунчалари, «касаллик ривожланишининг стереотиплик



<p>бериш</p> <p>- Status localis буйича тавсифлаш</p> <p>- психик статус йиғиш.</p> <p>Бемордан объектив ва субектив анамнез йиғиш.</p>	<p>механизми» тушунчаларини билиш.</p> <p>Купгина рухий бузилишлар симптомларидан асосий етакчи симптомни аниқлашни билиш.</p> <p>Рухий касаликларнинг сабаб омиллари ва таснифини билиш.</p> <p>Ясперс буйича онг коронгилашуви мезонлари</p> <p>курсатилган рухий жараенларнинг бошка рухий жараенлар билан интегратив боғлиқлигини тушуниш ва билимлар хосил қилиш.</p> <p>Сезги ва идрок, тафаккур, хотира, диққат ва интеллект, хиссиёт, ирода, мақсадли фаолият, онг, доирасини текшириш буйича билимларини хосил қилиш.</p> <p>Талаба амалий қуникмаларга эга бўлиш лозим: Сезги ва идрок, тафаккур, хотира, диққат ва интеллект, хиссиёт, ирода, мақсадли фаолият, онг бузилишлари булган беморларни қабул қилиш</p> <p>Хар хил турдаги сезги ва идрок, тафаккур, хотира, диққат ва интеллект, хиссиёт, ирода, мақсадли фаолият, онг бузилишларида киёсий ташхислаш</p> <p>Шикоятлар, анамнестик ва катамнестик маълумотларни туплаш.</p> <p>Синдромал ва дастлабки ташхисни асослаган холда қуйиш.</p>
---	---

Ўқитиш усули	<p>«уч боскичли интервью», «мойчечак», «галерея буйича саёхат» кабилар тадбик этиш усуллари булиб хисобланиши мумкин.</p> <p>Сфералар бўйича «айлана стол» усулини куллаш. Барча симптомларни ёзиб чиқиш учун бир варақ коғози айлана бўйлаб утказилади. Хар бир талаба уз вариантларини ёзиб чиқади. Сунгра мухокама утказилиб, нотугри жавоблар учурилади ва тугри жавоблар микдори бўйича талабалар билими бахоланади.</p> <p>«Галерея буйича саёхат» усулини куллаш. Талабалар жуфтликларга булинишади. 10 дакика давомида бир жуфтлик психологик симптомларни сфералар бўйича ёзиб чиқади. Сўнгра улар ўз вариантлари билан алмашиб, бир-бирларини жавобларини бахолашади, уз тузатишларини киритишади.</p>
Ўқув фаолиятини ташкиллаштириш шакллари	Гурухларда жамоавий ишлаш, индивидуал.
Ўқитиш воситалари	<p>Машгулот ўқув хонасида олиб борилиб поликлиникадаги кабул хонаси, боғлов хонаси ва клиник лаборатория хоналарига ташриф билан утказилади.</p> <p>Кулланилади: Муляжлар, атлас, флип-картлар, слайдлар, уқитувчи тестлар, компьютер-электрон шакли, уқитувчи-текширувчи программалар, лаборатор ва б. тиб. жихозлари (микроскоп ва б.),</p>



	мультимедияли воситалар
Кайта боғланув усуллари ва воситалари	Блиц-суров, тестлаш, бажарилган укув машгулоти натижалари презентацияси, «ўйла – жуфтликларга бўл – фикрлар билан алмаш»

### УМУМИЙ ПСИХОПАТОЛОГИЯ. АНИҚЛАШ. ЭРТА ТАШХИСЛАШ.

Тиббий психология фанини ўрганишдан аввал унинг алохида фан эканлиги талабалар тушунишлари лозим. Психиатрия ва тиббий психологиянинг алохида фан шаклида ривожланганлигини билиш, тиббиёт оламида бир қанча муаммоларни ечиш, инсон рухиятида кечаётган кечинмаларни билиш ва уларни даволаш муаммоларини ўрганати. Тиббий психология талабаларнинг фикрлаш жараёнини ўзгартиришга, уларни инсон касаллигига эмас, унинг саломатлигига эътибор қаратишни, ва шу йўл билан асосий патологик ва чегаравий ҳолатларда синдромал ва нозологик ташхис қўйиш, беморда сўров ўтказиш, беморларни олиб бориш тактикасини аниқлаш, деонтология қоидаларини ҳисобга олган ҳолда бемор шахсига психопрофилактик ёндошиш бўйича ўзлаштиришда билимлар, кўникмалар ва билимларни ўзлаштиришда уларнинг кизиқишларини фаоллаштиришга қаратилган. Инсон рухий фаолиятида хотиранинг алохида ўрнини айтиб ўтиш зарур. Шу билан бирга академик П.К.Анохиннинг америкалик олимнинг бир индивидумнинг бош миясидан олинган экстракт(суспензия)ни бошқа, тирик одамга юборилиши орқали билимларни узатилиши мумкинлиги хақидаги мақоласига изоҳини келтириш мақсадга мувофиқдир. Ҳар қандай касалликда нафакат организм балким, рухият ҳам касалланади.

Оддий амалиёт жараёнида беморнинг рухий фаолиятини аниқлаш ва ёритиш психиатр зиммасига эмас, балким умумий амалиёт шифокориға, терапевтға ёким бошқа тор мутахасислар зиммасига тушади. Чунки биринчи бор беморларимиз тор мутахасисларға ўз касаллилари бўйича муружаат

этадилар. Демак бу касалликнинг яширин кечаётганлигини, соматик ва неврологик ўзгаришларни эрта аниқлаш тор мутахасислар зиммасига тушади. Бундай холларда тор мутахасислар бемор психологияси хақида мукаммал билимларга асосланган холда ўз ташхисларини кўядилар.

Амалиёт даврида бемор рухиятини мукаммал билиш учун тиббий психология ва психиатрия фанини мукаммал эгаллашлари лозим бўлади. Сезги ва идрок психологияси билиш эга тор мутахасислар учун инсон рухиятида кечаётган жараёнларни билшга ёрдам беради.

Фан номини ёритишдан аввал рухий касалликларни ёритиш лозим. Шу ўринда савол туғилади рухият ва рухий фаолият нима? Психика – онгли равишда ташқи оламни англаш. Ташқи оламни англаш – муракаб диалектик жараён бўлиб, ўз босқичлари мавжуд. Англаш жараёни босқичлари: “тирикликдан – мавхум фикрлашгача – амалиётгача – хақиқатни диалектик англаш йўли хисобланади”. Англашнинг биринчи босқичида инсон – ташқи оламдаги нарса ва табиат жараёнларини англайди. Сўнгра – инсон предметнинг ташқи жихатлари ва табиатдаги жараёнларини англайди. Иккинчи босқичда – мавхум фикрлаш орқали - жонли ва жонсиз барча мавжудот ва жараёнларнинг узвий равишда боғлиқлигини англайди. Англашнинг барча жараёнлари асосийда амалиёт ётади. Амалий кўникмаларни қўллаш олиш эса англашнинг олий босқичи хисобланади.

Англашнинг нормал психология билан узвий боғлиқлиги олий асаб тизимининг мезонларига мос келади. Куйидаги уч та психологик мезонлар фаркланади: I босқич – сезги, идрок, тасаввур – тирик жонзод учун англашнинг биринчи босқичи хисобланади. Англаш жараёнинг II босқичи – ташқи олам қонунларига асосланган холда, ички кечинмаларни англаш – тушунчаларни умумлаштирган холда фикрлаш.

Англаш жараёнининг И.П.Павлов назариясига асосланган холда (икки тизимли сигнал), айтиш мумкинки, биринчи сигнал тизим англашнинг биринчи босқичи асосида - тирикликни англайди, иккинчи босқичда эса биринчи босқич асосида мавхум фикрлашни бошлайди.



Рухий касаллик – бош миянинг алохида касаллиги бўлиб, ташқи оламда кечаётган воқеа ва ходисаларни англаш, тушуниш ва идрок этиш жараёнлари англаш бузилади. Соғлом инсонда ташқи олам рухий фаолиятнинг асоси бўлиб хизмат қилса, рухий касалликларда бу жараён кузатилмайди. Бу жараёнлар рухий касал беморларда айниди, сусаяди ва йўқолади. Рухан соғлом инсонларда бахтсизлик юз берган бўлса – соғинч; хохишлари рўёбга чиққан бўлса – хурсандчилик кузатилса, рухий беморларда бу жараёнларнинг бўлмаслиги ва ташқи оламдан узилиш кузатилади.

Ташқи оламни объектив воқеа ходисалари билан бир ўринда англашнинг бузилиши барча рухий касалларда бир хилда кечмайди. Касалликнинг бошланғич босқичларида англаш хали сакланган, факат клиник симптомлари яққол намоён бўлгандан бошлабгина беморларда фикрлаш ва ўзликни тўлиқ шахс сифатида англаш ўзгара боради. Рухиятнинг субстракти - мия хисобланади. Лекин рухий фаолиятга гуморал ва кимёвий регуляцияда эндокрин ва вегетатив асаб тизими муҳим рол ўйнайди.

**Психология** узоқ йиллардан бери шаклланиб келаётган ва шу билан бир қаторда нисбатан узоқ бўлмаган тарихга эга фандир. Кўп асрлар олдин фалсафанинг асосий бир қисми сифатида мавжуд бўлган. “Психология” сўзи грекча “psyche” (қалб) ва “logos” (фан) деган маънони билдиради. Лекин атама илк бор XVI асрда пайдо бўлиб рухий кўринишлари ўрганадиган фан сифатида тарқалган. **Психология** – психика ва рухий кўринишлардир.

**Психологиянинг ривожланишининг асосий босқичлари.**

**I босқич** – психология қалб хақидаги фан. Бундай тариф икки минг йил аввал берилган. Бундай тариф инсон ҳаётидаги ғаройиб, тушуниб бўлмас ходисаларга нисбатан қўлланилган.

**II босқич**— психология онг хақида фан. XVII асрда табиий фанлар шаклланганлиги сабабли келиб чиққан. Инсоннинг фикрлаш, сезиш, хис қилиш хусусиятларини онг деб юритишган. Текширувларнинг асосий услуги – инсон ўзини ўзи кузатиб юриш бўлаган.

**III босқич** — психология хулк тўғрисида фан. XX асрда пайдо бўлган. Кўриб кузатиш мумкин бўлган нарсаларни яъни: инсоннинг хулк атвори ва эмоционал реакцияларни. Асосий текширув усули-тадқиқот.

**IV этап** — рухиятнинг объектив қонуниятларини, жараёнлар ва механизмларини ўрганадиган фан. XX асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлган.

### **Психология тушунчаси**

**Психология** — бу инсоннинг рухий жараёнларини, рухий ҳолатларини ва хусусиятларини ўрганувчи ҳамда инсонни **рухий фаолиятининг қонуниятларини ўрганувчи фандир**. Рухий ходисалар қонуниятларини ўрганиш давомида объектив реаллик инсон миясида акс эттирилиши, инсон харакатлари қандай назорат қилиниши, рухий фаолият қандай ривожланиши, рухий хусусиятлар қандай пайдо бўлиши ўрганилади. Кенг кўламдаги масалаларни ечиш давомида бир тарафдан бошқа йўналишдаги фанлар билан узвий боғлиқлик ўрнатиш, иккинчи тарафдан шу фаннинг ичида психологик муаммоларни ечиш учун турли хил сохаларга мослаштириш керак эканлиги келиб чиқади.

#### **Фанлар ичида психологиянинг ўрни.**

Замонавий психология бир тарафдан фалсафа, иккинчи тарафдан табиий фанлар ва учинчи тарафдан ижтимоий фанлар қаторида ўрин эгаллаган. Бу ушбу фанларнинг изланиши марказида инсон туриши билан боғлиқ. Фалсафанинг асосий қисми — ўрганиш (гносеология) — рухий фаолиятнинг ташки оламга нисбатан муносабатини, рухий фаолият талқинини ўрганувчи фан сифатида намоён бўлса ва психология рухий фаолият инсон ҳаётида қандай ўрин эгаллайди ва қандай вазифаларни бажаради. Замонавий психология бир қатор сохалардан иборат бўлиб бир нечта илмий йўналишларни ўз ичига олади. Умумий психология асосида иккита психологик йўналиш мавжуд бўлган.



**Тиббий психология** шифокор фаолияти ва бемор ҳаракатларининг хусусиятларини ўрганиб чиқиб, назорат қилиш ва коррекция ўтказишнинг психологик усулларини ўрганиб чиқади.

**Патопсихология** турли хил бош мия патологиясида кузатилиши мумкин бўлган барча бузилишларни ўрганиб чиқади.

### **Психика – бу объектив дунёнинг субъектив таъсироти.**

Рухий жараёнлар бош мианинг нейрофизиологик фаолияти натижасидир. Бош миёдаги сигналлар инсон томонидан ташқи оламдаги воқеа ва ҳодисалар кўринишида қабул қилинади. Психика бош мианинг тизимли сифатидир, кўп даражали функционал фаолияти бўлиб, у ҳаёт давомида ўз фаолияти натижасида орттириб олган тажрибадир.

Рухий жараёнлар қуйидагиларга бўлади:

**Ўрганиш (когнитив)** – буларга сезги, идрок, диққат, тасаввур, хотира, тафаккур қиради. **Эмоционал** – ҳиссиётлар. **Иродавий** – қарор қабул қилиш, бажариш, ирода кучлиги.

### **Асосий психологик текширувлар**

Натижалар доимо текширув усулларига боғлиқ. Текширув усуллари икки гуруҳга бўлинади: субъектив ва объектив. Бирон бир маълумотларга ёки далилларга эга бўлиш учун қуйидаги асосий психологик усуллардан фойдаланилади: кузатув (ўзини кузатиш), суҳбат ва тадқиқот.

**Кузатув** – психологиянинг энг қадимги ва оддий усулидир. Ҳар бир инсон кундалик ҳаётида ушбу усуллардан фойдаланиб келади. Кузатувчи томонидан ҳеч қандай аралашувисиз кечадиган жараёнлар. Кузатув аниқ ва тўлиқ бўлиши шарт. Кузатув усули икки хил бўлади: қисқа кузатув, лонгитюд (узок вақтли кузатув, баъзида бир неча йил давомида), кенг тарқалган усуллардан бири психологнинг кузатилаётган инсон билан боғлиқ ҳодисаларда, ўзи ҳам иштирок этиши. Кузатувнинг яна бир усули – **ўзини ўзи кузатиш**. Бу текширув усули фақат психологияда қўлланилади ва

специфик усуллардан хисобланади. Бу усул давомида инсонга субъективизм хисси халакит қилиши мумкин. Бу қузатув ўша вақтни ўзида олиб борилиши мумкин ёки кейинчалик ўзини қундалиқларида, эсга олганда ёки уларни қоғозга туширганда амалга ошириш мумкин. **Сухбат** - бевосита ва билвосита, ёзма ёки оғзаки ҳолда, қузатилаётган инсон ўзи ҳақида унга хос бўлган психологик хусусиятларини ифода этади. Сухбат ўтказишдан олдин, психолог тайёргалик қўриши, маълум бир режа тузиши шарт, чунки шундагина бу усул яхши натижа бериши мумкин. Сухбат турлари: анамнез, интервью. Анамнез – бу олдинги ҳаёти ҳақида маълумот. Интервью (сўроқ) – маълум бир саволларга жавоб бериш. Интервью (сўроқ) бир нечта қўринишда бўлади. Оғзаки- қузатувдаги инсонни ҳатти ҳаракатларини ва эмоционал реакцияларини аниқлаш керак бўлганда фойдаланилади. Ёзма тарзда – қисқа вақт ичида қўпчилик ичида сўров ўтказиш имкониятини беради. Савол жавоб ёзма тарзда олиб борилганда анкета қўринишида ўтказилади. Психологик текширувнинг асосий усули бўлиб тадқиқот хисобланади. Тадқиқот турлари - лаборатор ва табиий. Лаборатор тадқиқот ўтказиш учун сунъий шароит яратилса, табиий тадқиқотда эса психолог қузатилувчини табиий вазиятда қузатади. Лаборатор тадқиқот махсус вазиятда ўтказилади, махсус аппаратура ёрдамида қузатилувчининг ҳаракатлари назорат қилиниб боради. Қузатилувчи тадқиқот туғрисида қисман маълумотга эга бўлади. Тадқиқот бир неча маротаба қўп сонли одамлар билан ўтказилади. Шундай вазиятдагина рухий ҳодисаларни ҳақиқий статистик қўрсаткичларга эришилади. **Тест усули** – бу усул инсонга хос бўлган хусусиятларни мавжудлиги ва уларни даражасини аниқлайди. Тест – қисқа вақтгли, барча қузатилувчиларга бир хил тарқатиладиган вазифадир. Бошқа усуллардан фарқи, олинган натижаларнинг изоҳлаш аниқ тартибда ўтказилади. Тестларнинг бир нечта тури иборат: стандартлашган (сўровномалар, тест-вазифалар) ва проектив тестлар.


**Сезги** – қўзғолиш асосида ўтказилади. Сезги қўзғолишнинг филогенез даврида мавжуд бўлган. Қўзғолиш барча тирик мавжудотларга



ташки қитикловчи агент таъсири остида организмнинг ҳаракатга келиши тушунилади. Мураккаб босқичда инсон ҳаёти учун зарур бўлган нарсаларни шунинг билан уларнинг хусусиятларини ҳам билиши учун кўзғолиш сезгига айланади. Сезги – бу нейтрал, ҳаётга таъсир қилмайдиган ташқи омилга жавоб. Сезгиларнинг йиғиндиси элементар рухий жараёнларни келтириб чиқаради. Ташқи омил кўзғолиш чақириб афферент нерв толалари бўйлаб пўстлоққа боради ва инсонга сезги кўринишида намоён бўлади. Шундай қилиб хис бу – ташқи оламни сезги орқали қабул қилишдир. **Сезги** – оддий рухий жараён бўлиб, маълум бир анализаторга таъсир қилиш натижасида бирон бир нарсага хос бўлган битта хусусиятини аниқлашга айтилади.


Сезги мавжуд бўлиши учун 5та шароит керак бўлади:

- Рецепторлар
- Анализатор ядроси (бош мия пўстлогига)
- Ҳўтказувчи йўллар
- Қитикловчи агент
- Вазият ва муҳит



**Систематик таснифи.** Бу тасниф **Ч. Шеррингтон** томонидан таклиф қилинган. Сезги учта турга бўлинган: интероцептив, проприоцептив ва экстероцептив. Интероцептив - ички аъзолардан келаётган сигналларни жамлайди, проприоцептив-мувозанатни таъминлаб, ҳаракат тизими тўғрисида маълумотларни, экстероцептив эса - ташқи оламдаги ўзгаришларни жамлаб беради. **Интероцептив** – ошқозон, ичак қон томир ва бошқа ички органларнинг деворида жойлашган рецепторлардан маълумот йиғади. **Проприоцептив** – таннинг ҳавода мувозанатини аниқлаб берувчи ва

уни назорат қилиб турувчи рецепторлар ҳисобланиб инсоннинг мувозанат, ҳаракат, статик ҳиссини таъминлаб беради. **Экстероцептив** сезги энг катта гуруҳ ҳисобланади. Булар инсонни ташқи олам билан боғлаб турувчи гуруҳ рецепторлари



Перцептив образ шаклланишида тафаккур иштирок этади. Идрок қилиш жараёни бирон бир субъектга хос бўлган барча хусусиятларни умумлаштириш, уларни шунга ўхшаш хусусиятлар билан таққослаш каби жараёнларни ўз ичига олиб бунда хотирадаги маълумотдан фойдаланиш ҳам кузатилади. Яъни бошқача қилиб айтганда идрок этиш жараёни ҳаёт тажрибасига боғлиқ.

**Идрок** – бу мураккаб аналитик – синтетик рухий фаолиятдир. У қуйидаги перцептив фазлардан иборат:

1. **Аниқлаш** (бошланғич фаза, бу босқичда маълум бир нарсани умумий фонддан аниқлаб олиш кузатилади).
2. **Ажратиб олиш** (нарсгага хос бўлган хусусиятларини ёки белгиларини ажратиб олиш).



3. **Идентификация** (хотирада шунга ўхшаш белгилар билан таққослаш).
4. **Объектни таниб олиш** (маълум бир категорияга киритиш ва унга ном бериш) ушбу жараёнда қайси анализатор етакчи роль ўйнашига қараб - кўрув, эшитув, сезиш, кинестетик, хид ва таъм идрок турларига ажратамиз.

### Идрок турлари

Юқорида айтиб ўтилгандек анализаторга қараб бир неча турларга бўлинади ҳамда, мавжуд бўлган материя яъни – атроф, вақт ва ҳаракат турларига ҳам бўлинади (вақт, ҳаракат ва атроф муҳитни идрок этиш)

Идрокнинг асосий хусусиятлари



**Идрокнинг предметлиги** — атроф муҳитдаги объект ва ҳодисаларни йиғиндисини эмас балки алоҳида буюм ва нарса кўринишида идрок этиш.

Идрокнинг яна бир хусусияти бу бутунликдир. Сизгидан фарқли идрок этиш жараёни бирон бир нарса ёки буюмнинг бутунлигича онгда акс эттира олади. Сизги анализаторлари фаолияти бир бирига чамбарчас боғлиқ бўлганлиги сабабли инсон бирон нарсани бутунлай сеза олмаганида ҳам, уни ҳаёлан тўла тўққис идрок эта олади. Предметнинг бутунлик хусусияти билан


унинг тизими(тузилиши) боғлиқдир. Предметнинг барча таркибий қисмларини ажрата билиш ва улар орасидаги боғлиқликни аниқлаш. Масалан бирон бир мусика эшитаётган вақтда олдинги нақорат хали хаёлида бўлади. Идрокнинг яна бир хусусияти - **константлиги**. Предметнинг баъзи бир хусусиятлари айрим физик шароитларига қараб ўзгариши мумкин. Масалан: узокдан кўринган юк машинаси инсонга катта бир нарса бўлиб кўринади, унинг образи кўз пардасига кичик бўлиб тушсада бу хусусият ёрдамида инсон атроф мухитдаги нарсаларни компакт қилиб идрок этиш имконияти ва шунинг билан хотирани катта хажмдаги маълумотда сақлайди. Шундай қилиб константлик ўзини ўзи бошқарув жараёни бўлиб атроф мухитнинг баъзи бир физик шароитларига мослашиб олиш, турли хил дунёни идрок этиш имкониятини беради. Идрокнинг яна бир хусусияти мантиқийлиги. Перцептив образлар доимо маълум бир маънога эга бўлади. Юқорида айтиб ўтилгандек идрок тафаккур жараёни билан чамбарчас боғлиқ. Бу боғлиқлик бирон предметни идрок этиш бу уни маълум бир гуруҳга киритиб унга ном беришни англатади. Танловчанлик ҳам идрокнинг хусусиятларидан бири ҳисобланади. Яъни бир вақтни ичида битта ёки бир нечта инсонни диққатини тортган образларни онгида акс эттира олади, олган образлар унинг фони ҳисобланиб, онга ўз аксини топмайди. Масалан маъруза эшитаётган талаба фақат маърузани идрок этади, бошқа овозларни эшитмайди.

**Тафаккур** – инсоннинг асосий хусусиятларидан бири. Тафаккур – билишнинг олий хусусияти.

**Тафаккурнинг асосини – бўлаётган воқеа ва ходисаларни,  
жараёнларни умумлаштириб уларни бир бирига боғлиқлигини  
аниқлашдан иборат.**

**Тафаккур** – бу рухий жараён бўлиб, воқеа ходисаларни умумлаштирганлиги ва уларни воқеъликда ривожлананлигини нутқ орқали намоён қилиш жараёнидир.





### Тафаккур жараён сифатида:

#### Фикрлаш жараёнинг фазалари:

1. муаммонинг хосил бўлиши;
2. муаммоларга нисбатан гипотезанинг ривожланиши;
3. гипотезани умумлаштириш (солиштириш, таққослаш ва б.);
4. хулоса.


Фикрлаш жараёни онгли тарзда бошқарилиб борадиган интеллектуал жараёнлардан иборат.

#### Тафаккур турлари

Жараён сифатида тафаккур учта мантикий шаклда кечади: тушунча, таҳлил қилиш и хулоса чиқариш. Тушунча - предмет туғрисида умумий

билим. Тушунча «сўз» кўринишида мавжуд бўлади. Масалан хар бир шифокор яллиғланиш, регенерация, асосий белгилар туғрисида аниқ тушунчага эга бўлиши шарт. Тушунчаларнинг мазмун мохияти тахлил қилиш жараёнида намоён бўлади. Тахлил қилиш – бу предмет ва ходисалар орасидаги боғлиқликни аск этади. Хулоса чиқариш – муҳокама қилиш билан узвий боғлиқ бўлиб, аввалги муҳокамалар билан солиштирган ҳолда янги хулоса чиқарилади. Муҳокаманинг дастлабки хулосалари олинади. Хулоса, муҳокама орқали олинади ва яқулланади.

### Тафаккур операциялари:





Тафаккур, бошқа жараёнлардан фарқ қилиб, мантикқа асосланади.

Тафаккур – мантик ва фикрлаш жараёни билан биргаликда кечади, тафаккурнинг аналитик – синтетик жараёнини тузишда иштирок этади. Куйидагилар киради: анализ, синтез, таққослаш, умумлаштириш, мавхумлаштириш, конкретлаш ва классификацияга солиш (системалаш).

Анализ – бутунликни қисмларга бўлади, ажратади, ходиса, воқеа, жараёнларни ва элементларни жихат ва томонларини анализ қилади. Синтез – мантиқан алоҳида буюмларни қисмларини, жихатларини ва хусусиятларини бирлаштиради. Таққослаш – нарса ва жараёнларни бир биридан ўхшаш ва қарама қарши тарафларини таққослайди. Умумлаштириш – мантиқан воқеа ва ходисаларни ўхшаш ва аниқ жихатлари билан биргаликда умумлаштиради. Мавхумлаш – бирон бир объект ва субъёкта хос бўлган иккиламчи хусусиятларидан асосий хусусиятларини ажратиш. Конкретлаш– керакли ва ўзи учун муҳим бўлган воқеа ва нарсаларни хусусиятларини ажратиб олиш. Классификация (системага солиш) – объект ва воқеаларни жихатларини ажратиб, гуруҳ ва гуруҳчаларга бўлиш.

### **Фикрлаш турлари**


Куйидаги турлари: тасвирий – ҳаракат, кўргазмали – образли, абстракт – логик.

Тасвирий – ҳаракатли (яна: предмет – ҳаракатли) фикрлашни амалиётда қўллаш билан намоён бўлади, реал мавжуд бўлган воқеа ходисаларни тасвирлайди. Фикрлашнинг бу тури 5 ёшгача бўлган болаларни рухий ҳолатини аниқлаш учун кенг қўлланилади. Кўргазмали – образли тафаккур кўп тарафлама образларга асосланади. Инсон қўлига предмет олиши шарт эмас, уни кўриш ва тасвирлашни ўзи етарли. Фикрлашнинг бу тури мактабгача бўлган болаларда қўллаш мумкин, катталарда амалиётда қўллаш билан тасвирланади. Мактабгача бўлган таълимда абстракт – логик

ёки тушуниш фикрлари шакллана бошлайди. Абстракт – логик фикрлаш – бу шундай фикрлашки, инсон ўз сезги органлари орқали тажрибага эга бўлмаса ҳам тушунчаларига, ақлига, таянган холда шаклланади. Фикрлашнинг бу тури ўсмирлик даврида ривожланади. Катта одамларда (рухан соғлом) фикрлашнинг барча тури шакланган бўлади. Айрим холларда бир қанча омиллар натижасида тафаккурнинг қайсидир бир тури яхши шакланмаган бўлиши мумкин.

Охирги пайтларда тафаккурнинг интуитив ва аналитик турларга бўлиняпти. Аналитик тафаккур – предметнинг алоҳида босқич ва жихатларини яққол намоён бўлишини бошқа кишиларга таърифлаб бера олиши мумкин. Аналитик фикрлай оладиган инсон ўз фикрларини яққол билади ва фикрлашнинг барча операцияларини қила олади. Аналитик фикрлаш дедукция билан узвий боғлиқ бўлиб, натижада (умумийдан хусусийликка қараб) хулосалар қилади. Интуитив фикрлашнинг аниқ ривожланиш босқичлари кузатилмайди. Интуитив ва аналитик фикрлаш бир бирини тўлдиради.

**Хотира – рухий жараённинг бир шакли бўлиб, хаёти мобайнида олган маълумотларини мустахкамлаш, сақлаш ва охир оқибатда қайта ёдга олиш босқичларини ўз ичига олади.**





**Хотира** – хотира субъект ўтмишини унинг келажаги билан боғлайди.

Хотира – рухий фаолиятнинг асосидир.

**Хотира – инсон ўзида мавжуд бўлган билимларини ва амалий кўникмаларни йиғиш, уларни хаёти давомида қўллашда ўз фаолиятини намоён қилади**

**Хотиранинг физиологик асоси** – асаб тизимининг пластиклиги хисобланади. Асаб тизимининг пластиклиги кечаётган хар қандай асабий жараён ўзидан сўнг из қолдиради, таъсирловчи сезги органларига таъсир этадиган бўлса, хотиранинг бирон бир фаолияти издан чиқиши ё сусайиши мумкинлиги кузатилади.

#### **Хотира турлари**

**Хотира турлари** нима, қачон ва қай даражада эслаб қолиш ва сақлаш, қайта ишлашга бўлинади. Хотиранинг бир неча тур классификациялари фаркланади. Хотиранинг алохида тури 3 та асосий мезонга асосланади: 1) рухий фаолиятнинг характерига кўра, харакатли, хиссий, образли ва сўзли - мантикий; 2) активлик даражаси бўйича — ихтиёрий ва ихтиёрсиз; 3) эслаб қолиш ва сақлаш давомийлиги бўйича) — қисқа, узоқ ва оператив.

**Харакатли (мотор) хотира** — эслаб қолишнинг, сақлаш ва қайта ишлашнинг турли хил турлари.

**Хиссий хотира** — бу хиссий хотира. Хотиранинг бу тури хиссиёт билан узвий боғлиқ бўлиб, хаяжонланиш натижасида ишга тушади. Ўтказган хиссий туйғулари — инсоннинг хаёти давомида кечадиган хафачилик ва хурсандчиликдир.

**Образли хотира** — бу хотиранинг тасаввур қилиш тури, табиат суратлари, овозлар, хидлар, таъм ва б. Асоси шундаки тасаввурларига таянган холда хотиранинг қайта эшлаш операцияси билан боғланади. Бир

қанча олимлар хотирани бир неча турларини фарклайдилар: кўрув, эшитув, онгли, хидлов ва таъм турларини фарклайдилар.

**Сўзли – мантикий хотира** фикрларимизни эслаб қолиш ва қайта ёдга туширишлар асосидир. Буларга тушуниш, формулалар, белгилар ва фикрлар киради. Биз ўқиган, кўрган ва дўстларимиз билан гаплашган барча воқеа ва жараёнларни эслаб қоламиз ва қайта ёдга оламиз, фикрлаймиз, ўйлаймиз, тушунамиз. Биз биламизки тафаккур ва нутқ узвий боғлиқ. Шу сабабли нафакат фикрлаш натижасида, балки нутқ орқали ҳам эслаб қолиш натижасида, сўзли – мантикий хотира шаклланади. Хотира ўз навбатида ихтиёрий ва ихтиёрсиз турларига ажратилади.

- **Ихтиёрсиз** – ҳеч қандай бир иродавий фаолият талаб қилмайди, керакли бўлган маълумотлар ўз ўзидан ёдга тушади.
- **Ихтиёрий** – диққатни бирон бир предметга диққатни жамлаш натижасида юзага келади. Ёдга олаётган предмет ва материалларни бирон бир жихатлари ёки ўхшаш томонларини ёдга олиш орқали ихтиёрий равишда хотира орқали ишга тушурилади.

Ихтиёрий хотиранинг самарадорлиги:

**Эслаб қолишнинг мақсадига кўра** (инсон қанчалик тургун ва узок сақлаб қолмокчи) тури. Мақсад – ёд олиш, имтихон топшириш учун, у холда имтихондан сўнг кўп нарса ёддан чиқиши мумкин, агар мақсад – мутахассислик нуктаий назаридан бўлса, узок вақтга эслаб қолиш лозим бўлганда ёддан чикмаслиги.

**Ёд олиш турилари.**

Ёд олиш тури:

- логик айтиб бериш: материални логик таърифлаш, системалаш, фикрлаб логика асосида асосий компонентга ажратиш, ўз сўзлари билан айтиб бериш,
- образли ёд олиш (маълумотни образлар, графиклар, схемлар, картинкалар) – образли хотира ишга тушади,



- Ёд олишнинг мнемотехник усулини қўллаш (ёдлаб олиш учун махсус усулларни қўллаш). Ёд олишни бошқа қилиб айтганда – онгли равишда англаш даражаси ҳам дейилади. Шу сабабли онгли ва механик ёд олиш фарқланади.

**Механик хотира** — қабул қилинаётган материални бирон бир жиҳатларисиз механик равишда ёдлаб олиш. Масалан статистик маълумотлар, тарихий сонлар. Онгли равишда эслаб қолиш материални маълум бир қисмларига ажратган ҳолда кечади. Шу сабабли онгли равишда эслаб қолиш, фикрлаш билан узвий боғлиқдир.

**Механик хотирага қараганда онгли равишда эслаб қолиш 20 баравар кучли ҳисобланади.**

Механик эслаб қолиш – такрорлашлар натижасида шаклланади. Механик ёд олишда инсон аниқ ва тўлиқ ёд ололмайди. Онгли равишда ёд олиш эса ҳеч қандай бир куч ва меҳнат талаб қилмайди. Механик эслаб қолишда – ярим соатдан сўнг 40% материал эса қолади, яна бир неча соатдан сўнг атиги – 20 %, онгли равишда эслаб қолиш эса ярим соатдан кейин 40 % материал, 30 кундан кейин ҳам қолади – 40 % қолади.

Хотиранинг асосий характеристикаси вақт ҳисобланади. Эслаб қолиш ва сақлашнинг давомийлигига қараб қуйидаги турлари фарқланади:

- **Сенсор**, бевосита бир неча сонияларга эслаб қолиш.
- **Қисқа вақтли хотира** – хотиранинг бу тури, қабул қилган маълумотни тахминан 20 сония ичида қабул қилиш ва қайта ёд олиш киради.
- **оператив хотира** инсон қилаётган барча воқеа ва ҳаракатларни шу заҳотиёқ эслаб қолиш ҳисобланади. Ўз ичига узок вақтли ва қисқа вақтли хотирани ўз ичига олади. Қисқа вақтли хотира суст булса, узок вақтли хотира ҳам худди шундай бўлади. Иккиламчи, ёки узок вақтли хотира —

маълумотни узок сақлайди (20 сониядан бошланиб, соат, ой ва йиллар давом этади) қисқа вақтли такрорлаш ва қайта ёд олишдан сўнг кучаяди.

### **Хотиранинг асосий механизмлари**

Хотира — бу мураккаб рухий жараён бўлиб, ўзи билан бир қанча рухий фаолиятларни ўз ичига олади.

**I. Эслаб қолиш** — олинган информацияни қабул қилиш ва уни сақлаб қолиш ҳисобланади.

Ташки таъсирот натижасида ҳар бир жараён бош мияда акс эттиради. Инсон учун муҳим бўлган барча воқеа ва жараёнлар, хоҳиш ва истакларига, мақсад ва вазифаларига асосланган ҳолда содир бўлади.

**II. Қайта ёдга олиш, таниб олиш.** Хотирадан керакли бўлган маълумотни олиш учун икки жараён талаб қилинади — қайта ишлаш ва билиш. Қайта ишлаш — бу жараён инсон аввал қабул қилган предметларни образли равишда қайта ишлайди, ҳозир қабул қилганини эмас. Физиологик равишда асаб толаларининг бирлашиб аввал қабул қилган ва сақлаган маълумотни қайта ишлайди.

Қайта ишлашдан ташқари яна билиш ҳам фарқланади. Билиш, қайта ишлаш жараёни билан бирга содир бўлиб, инсоннинг шахсий хусусиятларига (объектни қандай эслаб қолганлигига қараб) асосланган ҳолда ишга тушади.

**III. Эсдан чиқариш** аввалги олган маълумотларни қайта эслай олмаслик. Физиологик равишда ёддан чиқариш пўстлоқ қисмига боғлиқ ҳолда юзага келади. Мустаҳкамланмаган маълумот бўлса тезда ёддан чиқади.

Ҳозирги кунда бир неча омилларга таянган ҳолда эсдан чиқариш шиддат билан ортиб бормоқда. Инсонга агар маълумот керакли даражада тушунарли бўлмаган бўлса тез ёддан чиқади. Агар инсонга маълумот қизиқарли бўлмаган ва амалиётда қўлланилмаса, бундай ҳолатларда ёддан чиқариши мумкин. Бу нарса шуни такидлайдики, катта одамлар ўз мутахассисликлари бўйича, болалар эса ўз қизиқишлари бўйича яхши эслаб қоладилар. Ёддан чиқариш тезлиги материални ҳажмига ва уни англай олиш ва идрок қила олиш даражасига ҳам боғлиқ ҳисобланади. Яна бир омил,



ёддан чиқаришнинг яна бир йўли, воқеага қаршилик кўрсатиш. Бу ҳолат ретроактив тормозланиш дейилади.

Ёддан чиқаришни камайтириш учун қуйидагилар лозим:

1) тушуниш, маълумотни англаш (механик равишда ёд олиш тезда ёддан чиқади);

2) маълумотни такрорлаш (40 дакикадан сўнг яна такрорлаш лозим). Ёд олинган куннинг биринчи кунини ҳам такрорлаш лозим, чунки шу кунлари тўлиқ эсдан чиқариш кузатилади. Масалан: Биринчи кун – 2-3 марта такрорлаш, иккинчи кунини – 1-2 марта.

**Хиссиёт – бу жараён инсонни ўраб турган объектларига, воқеа ходисаларига, инсонларига ва ўзига нисбатан бўлган субъектив хиссий жараёндир.**

Хиссиёт индивиднинг объектга бўлган муносабатини билдиради. Хиссиёт билиш доирасидан фаркланади. Ўзига хос бўлган белгиларга эга.

**Хиссиёт белгилари.**

1. Қарама қаршилиги. Манфий ва мусбат хиссиётлар фаркланади: баҳра олиш – баҳра ололмаслик, хурсандчилик – хафачилик
2. Энергетик тўйинганлик.

Хиссиёт туфайли инсон куч олади – шу билан инсон энергия олади. Хиссиёт активликни оширади, инсон тонусини кўтаради ва туширади. Шу сабабли хиссиётлар стеник – активликни оширади (завқ, ғазаб) ва астеник – активликни пасайтирувчи (ғам, ғусса).

3. Интеграллиги.

Хиссиёт бу организмни қамраб олиб туйғуларга ранг беради. Хиссий кечинмаларда инсоннинг асаб тизимидаги барча психофизиологик тизими ишга тушади.

**Хиссиётнинг фаолиятлари**

- регулятор
- баҳолаш
- уйғотиш, ёки стимуллаш

- коммуникация

### **Хиссиёт классификацияси**

Бир қанча муаллифлар хиссиётнинг у ёки бу таснифини келтираётганда, инсоннинг фундаментад хиссиётларини қуйидагиларга бўладилар: **ғазаб, кўркув, ғам, хурсандчилик.**

К. Изард қуйидаги хиссиётларни ажратади: бахра олиш – бахра ололмаслик, қизикиш - хаяжонланиш, хурсандчилик, таажуб, ғам-ғусса, ғазаб, нафрат, иқдор, куркув, уят, айбдорлик хислари. Хиссиёт – бу мураккаб рухий жараён. Энг асосийлари: аффект, хиссиётнинг ўзи, хис туйғу, кайфият, эмоционал стресс.

**Вақти бўйича: эмоционал реакциялар, эмоционал холат ва эмоционал жихат.**

**1. Эмоционал реакция** – қандайдир кечинмаларни бошдан кечириш (бакирикка нисбатан кўркув хиссининг пайдо бўлиши).

Аффект – эмоционал реакциянинг кучли тури. Аффект интенсив равишда, кучли кечувчи ва қисқа хиссий портлашдир, инсон онгига ва харакатларига таъсир кўрсатиб, харакат, эндокрин, юрак-қон томир ва б. тизимларга ўз хукмини ўтказди. Аффект учун онгнинг ўчиши хос бўлиб, кўзғалишга бўлган фиксация аффектни чақиради.

**2. Эмоционал холат** узоқ давом этувчи ва турғун холат.

Кайфият — барча холатларни кўрсатиб берувчи энг узоқ, ёки “сурункали”, хиссий холат.

**3. Хиссиёт жихатлари** – индивидни ўраб турган турғун хиссий жараён бўлиб фақат инсон учун хосдир.

Уларга: реактивлик, кўзғалувчанлик ва лабиллик–ригидлик.

Эмоционал реактивлик – хиссий жавоб бериш, реакция холатига қараб. Эмоционал кўзғалувчанлик – хиссий кўзғалиш тезлиги. Эмоционал лабиллик – хиссиётларни харакатчанлиги, бир хиссиётнинг иккинчиси билан алмашилиши. Қарама – қарши холат – эмоционал ригидлик, эмоциянинг турғунлиги.



Хиссий жараёнларнинг асоси – асаб тизими ва инсоннинг темперамент тури хисобланади.

### **Хиссиёт ва туйғу**

Бир қанча адабиётларда «хиссиёт» ва «туйғу» алоҳида ажратилади. Хиссиёт – кенг тушунча бўлиб, туйғу хиссий кечинмаларни ўз ичига олади. Амалиётда хиссиёт деганда инсонни хилма хил жавоб реакциялари – нозик туйғулардан тортиб, хаттоки ўта қўзғалувчанлик билан кечиши тушунилади. Хиссиёт ва туйғуларнинг фарқи шундаки, хиссиёт, мўлжалга олинган реакция – бирламчи маълумотга бўлган жавоби, шу сабабли ноаниқ ва етарли даражада аниқ бўлмайди. Туйғу эса аниқ предметлик характериға эға. Аниқ бўлган объектға нисбатан турғун муносабат билдиради (реал ва тасаввурли).

<p style="text-align: center;"><b>Туйғу – инсоннинг ҳаётға бўлган мукамал турғун хиссий муносабати</b></p>
--

**Туйғулар бўлинади:**

1. **Эстетик.** Дунёни гўзал идрок этиш. Гўзаллик, буюклик, камбағаллик, комик ва трагик.
2. **Интеллектуал.** Англаш, тасаввур этиш ва яратиш билан бирға келади. Лол қолиш, иккиланиш, ақлсизлик, қизиқишлар.
3. **Ахлоқ одоб.** Субъектни бошқа бир инсонға, одамларға ва жамиятға бўлган хатти харакати. Қарздорлик хисси, маслахат бериш, хасад қилиш, виждон, патриотизм ва бошқалардан устунлик хисси.
4. **Праксислик.** Инсоннинг амалиётда қўллаган ва меҳнатига бўлган ҳолати.

**Ирода – инсоннинг онгли равишда ўз хатти харакатлари билан ички ва ташқи қийинчиликларға курашган ҳолда бирон бир йўналишға қаратилган харакат ва ишлари**

Ихтиёрий ёки иродавий харакат ва хохишлар ноихтиёрий харакат ва хохишлар асосида шаклланади. Энг оддийси иссиқ сувға қўлни тутганда тортиб олиш, овоз келган тарафға қараш ва. б. Беихтиёрий харакатлар: жахл

чиққанда одам тишларини ғирчиллатиши, хайрон бўлганда кошларининг кўтарилиши, хурсанд бўлганда лабида табассумнинг пайдо бўлиши. Беихтиёрый ҳаракатларнинг қарама қаршиси – бу олдиға қўйилган мақсад сари бориши.

### **Онгли равишда бажарилган барча ҳаракатлар иродадир.**

Ироданинг вазифалари:

- 1) активловчи (стимулловчи);
- 2) тормозловчи.

Иродавий ҳаракатлар бошқа рухий жараёнлар билан узвий боғланган ҳолда амалға оширилади. Асаб тизимининг кўзғалиш ва тормозланиш жараёнларни бир бири билан боғлиқлигидир.

Иродавий ҳаракатлар мураккаблиги бўйича бўлинади.

Оддий иродавий ҳаракатлар – автоматик равишда юзаға келади.

Мураккаб иродавий ҳаракатлар шуниси билан фаркланадики, ҳамма олдимишга қўйган вазифаларимиз ҳам бажарилмайди. Олдимишга қўйилган мақсад сари йўналишимиз ва эришимиз учун маълум бир вақт керак бўлади.

### **Иродавий жараён босқичлари:**

- 1) хошиш истакнинг пайдо бўлиши ва мақсадни қўйиш;
- 2) қўлимиздан кела олишини англаш;
- 3) сабабнинг пайдо бўлиши (ха ва қарши);
- 4) сабаблар учун кураш ва танлов;
- 5) хулоса қабул қилиш(имкониятдан келиб чикиб);
- 6) хулосаларни рўёбға чиқариш.

### **Инсоннинг иродавий жихатларининг шаклланиши**

Инсон иродаси алоҳида хусусиятлар билан тарифланади. Аввалом бор ироданинг кучи қўйилган мақсадға етиш учун қийинчиликлардан ўта олишға етиши лозим. Қўйилган мақсад сари олға боришда қаршилиқ ва қийинчиликлардан қўрмай илғари юриш иродани чархлайди. Айнан қаршилиқларнинг бўлиши ирода кучини оширади.



**Шахснинг иродавий хусусиятлари** инсоннинг имкониятларига қараб туғма ва орттирилган бўлади. Ирода хусусиятлари асаб тизимининг генетик асосланган ва инсон тарбияси давомида олган ироданинг мораль компонентлари билан бирлашади. Масалан, кўрқув, узоқ вақтгача чарчок холда бўлиш, тезда хулосага келиш эса инсоннинг туғма хусусиятлари (асаб тизимининг бўшлиги ва кучсизлиги, лабиллиги).

Шундай қилиб, иродавий хусусиятлар 3 та компонентни ўз ичига олади: психологик (ахлоқий), физиологик (иродавий ҳаракат) ва нейродинамик (асаб тизимининг типологиясига асосланади).

**Ирода хусусиятлари: мақсадга йўналганлик, чидамлилик, қайсарлик, тиришқоқлик, ботирлик, қатиятлик.**

Чидамлилик ва ўз ўзини бошқариш – импульсив ҳаракатлари ва хиссиётларини жиловлай олиш, мақсадга йўналтириш. Мақсад сари йўналувчанлик – шахснинг онгли ва фаол равишда мақсад сари интилиши. Интилиш – энг қийин ҳолатларда ҳам мақсад сари бориш. Қайсарлик – ҳеч ким гапига қулоқ илмай ўз хоҳиш ва истаклари бўйича иш тутиш. Инициативлик – инсон фикрларига асосланган ҳолда хулосалар чиқариш. Мустақиллик – мустақил онгли равишда хулосаларга келиш ва ўз мақсадига эришиш учун ҳеч ким билан маслахатлашмай мақсад сари интилиш. Негативизм – мақсадсиз, бошқаларга қаршилик кўрсатиш, лекин ақлан ўйлаб кўрганда нотўғри эканлигини билган ҳолда қилиш. Қатъиятли – ҳеч қандай иккиланишларсиз мақсад сари кадам қўйиш, ўз вақтида қарор қабул қилиш. Импульсивлик – қарор қабул қилишда шошмашошарлик қилиш, «ўйламай кадам босиш». Кетма кетлик – бир принцип асосида жараёни кечиши.

**Дикқат – бу рухий жараён булиб, бирон бир объектга нисбатан танлаб йўналтирилганлик.**

Бу жараён, йўналтирилган ва танланган жараёндир. (Добрынин Н.Ф.) Т.о., Дикқат – бу объектлардан ажралаган ҳолда маълум бир объектга йўналтирилган ва қаратилган рухий жараёндир. Йўналганлик бир мавзудан иккинчисига ўтказилишидир, дикқатни жамлаш эса – бирон бир мавзуга

диққатни жамланишидир. Йўналганлик ва жамланиш бир бири билан узвий боғлиқдир. Биттаси иккинчисисиз хосил бўла олмайди. Индивид бирон бир нарсага диққатини йўналтирса ўша нарсага диққатини жамлайди ёки аксинча. Диққат – билиш жараёнлари билан бир вақтда хосил бўлади (сезги, идрок, тафаккур), куйидаги функцияларни бажаради:

- 1) керакли таъсиротни танлайди ва керакмасларини рад этади;
- 2) мақсадга эришмагунча керакли фаолиятни ушлайди, саклайди (ёки кўриниш);
- 3) фаолиятни назорат қилади ва бошқаради.

Диққатнинг асоси бўлиб ретикуляр формация хисобланади. Мия фаолияти бир қанча босқич ёки даражалар диққат жараёни учун иш олиб боради. Бу фаолиятда миянинг функционал ҳолати катта ахамиятга эга бўлади.

#### **Диққатнинг асосий турлари**

Замонавий психология диққатнинг бир қанча турларини фарқлайди. Йўналганлик ва жамланганлик рухий фаолиятда ихтиёрий ва ихтиёрсизлик характерга эга.

#### **Диққат турлари:**

- **ихтиёрий** – вазиятга йўналганлик;
- **ихтиёрсиз** – янгиликка, чертликка, контрастлика, алохидалигига.
- **ихтиёрийдан сўнг** – фаолиятни сўндириш (додакант принципи).

#### **Диққатнинг асосий хусусиятлари**

танлаш, концентрация, хажм, бўлиниш, бошқага ўтиш, турғунлик

**Танлаш** – асосийларини танлаб олиб (керакмас) икқиламчиларини чиқариб юбориш. Диққат концентрацияси – рухий фаолият ёки билиш жараёнинг фокусланиши. Диққат концентрацияси – диққатнинг жамланиш даражаси ва унинг интенсивлигига боғлиқдир. **Хажм** – йўналтирилмокчи бўлган жараённинг хажмига боғлиқ. Хажм — индивидуал равишда ўзгарувчан бўлиб инсонларда 5+2 нисбатга тенг.



Дикқатнинг бўлиниши – бир вақтнинг ўзида инсон бир неча тур ишларни бажариши.

**Дикқатнинг тақсимланишини – машқ қилса бўлади.**

Ўтиш – онгли равишда бир объектдан иккинчи объектга ўтиш. Дикқатнинг бир объектдан иккинчи объектга ўтишлиги дикқатнинг бошқа мавзуга тўсиқларсиз кўча олиш қобилятини дикқат фаолиятининг эгилувчанлигидан (бир вақтнинг ўзида бир неча мавзуни ўзлаштира олиши) далолат беради. Бунинг асосий сабаби дикқатни макш қилинганлигидадир.

**Дикқатнинг турғунлиги маълум бир вақт давомида бирон бир мавзуга дикқатини жамлашдир.**

Вазиятли масалалар.

1. Талаба семестр давомида предметни эгаллаши ва имтихонни муваффақиятли топшириши учун маълум бир маълумотлар хажмини ўзлаштириши лозим. Бирок, семестр мобайнида иккинчи даражали машғулотларга вақт сарфлаб, қиска вақт ичида катта хажмдаги маълумотларни ўрганишга ҳаракат қилади, имтихондан бир кун аввал тестларни «ёдлаш» га интилади.

- Талабанинг хатоси нимада?
- Маълумотни узоқ сақлаш ва эсдан чиқаришни камайтириш учун нималарни қўллаш керак?

## **II. ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ**

### **"Кейс стади" усули.**

Кичик гуруҳлар билан "кейс стади" мисолида асосида иш ташкил этиш қоидалари:

Иш вақти 15 - 40 дақиқа. Гуруҳ хажми 3-5 одам. Гуруҳлар алоқада бўлмаслиги керак. Ҳар бир гуруҳ қарорлар ва муқобил ёзиб учун катта лавҳа қоғоз бўлиши керак. Ҳар бир гуруҳ тақдимоти учун маъсул одамни

танлайди. Талабалар гуруҳларга (3-5 одам) бўлинади. 10 дақиқа ичида ёзма таҳлил қилиш ва вазиятни ҳал тайёрлаш керак.

**Ўқитувчи** кейс билан индивидуал иш натижаларини муҳокама қилиш ва вазиятни ҳал қилиш тўғрисидаги таҳлил ҳисоботни тайёрлаш ва тақдимот плакат шаклида қизиш таклиф беради.

**Талабалар** индивидуал ишни қўшма таҳлил ўтказадилар, вазиятни энг муҳим жиҳатларини аниқладилар, асосий муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари ва ўз ўзгаришларни киритиб қарори ўзаро мақбул вариант топадилар.

Ўқитувчи гуруҳ иш тақдимоти бўшланишини эълон қилади.

Сўзга гуруҳлари вакили чиқиб вазиятни ечим варианты беради, саволларга жавоб беради ва ўз таклифларини белгилайди. Спикери нутки 10-15 дақиқа ортиқ давом этмайди. Саволлар фақат ўз нуткидан кейин берилади, уни тўхтатиб бўлмайди.

**Талабалар** баҳо беради, ва гуруҳлар томонидан муносабатини энг яхши берилган вариантни танлаб амалга билдиришади.

Муҳокама 20-25 дақиқадан ортиқ давом этамайди. Барча иштирокчилари муҳокамада иштирок этиш асослантирилган бўлиши керак.

**Муҳокама устоз-ташқилотчиси:**

Саволлар, маслаҳатлар беради, назарий материалларни эслатади.

**Мавзу: Умумий патопсихология. Аниқлаш усуллари. Эрта ташхислаш.**

1. 35 ёшли бемор стоматолог кўригида. Оғиз бўшлиғидаги нохуш сезги, кўчувчан, ачиштирувчи, буриштирувчи оғриқ локализацияси ноаник. Кўрик пайтида патология аниқланмади.

1. Сизнинг фикрингизча қайси касалликлар билан дифференциал ташхис амалга ошириш керак, ва бу касалликнинг этиологияси қайси муҳим аҳамиятга эга?

2. Қанака инструментал ва лаборатор текширувлар КВП ўтказиш керак?



3. Сизнинг ташхисингиз? Уни оқланг.

4. Касалхонага госпитализация керакми, агар шундай бўлса, касалхонани профилнинг аниқланг?

5. Даволаш?

2. 65 ёшли аёл бемор стоматолог кўрик пайтида бирданига кайфияти тушиб, йиғлаб стоматологга жуда чарчаганини, яшашдан чарчаганини, уйқусизлик, ўзини ўлдириш ҳақидаги фикрлар тинч қўймаётганини. Кўкрак қафасида оғрик, иштахаси йўқлигини айтиб берди.

1. Сизнинг фикрингизча қайси патология билан дифференциал ташхис амалга ошириш керак?

2. Қанақа инструментал ва лаборатор текширувлар КВП ўтказиш керак?

3. Сизнинг ташхисингиз? Уни оқланг.

4. Касалхонага госпитализация керакми, агар шундай бўлса, касалхонани профилнинг аниқланг?

5. Даволаш?

3. 36 ёшли беморда стоматологик манипуляция вақтида бирданига баланд овозда бакириб, уни ушлаш лозимлигини айтиб, бирданига тутқанок бошланиб кетти.

1. Сизнинг фикрингизча қайси патология билан дифференциал ташхис амалга ошириш керак?

2. Бу патология касалликларни қайси гуруҳига киради?

3. Қанақа инструментал ва лаборатор текширувлар КВП ўтказиш керак?

4. Сизнинг ташхисингиз? Уни оқланг.

5. Касалхонага госпитализация керакми, агар шундай бўлса, касалхонани профилнинг аниқланг?

#### 6. Даволаш?

4. Стоматолог кўригига ёши 55 да эркак киши келди. Бемор ўзига қарамаган, кийимлари кир, тарилари шилинган, оғзидан спирт хиди келади, айтиладиган гаплари бир бирига мос келмайди. Бемор уйи йўқ, ахлатхоналарда яшайди.

1. Сизнинг фикрингизча қайси патология билан дифференциал ташхис амалга ошириш керак?
2. Қанақа инструментал ва лаборатор текширувлар КВП ўтқазиш керак?
3. Сизнинг ташхисингиз? Уни оқланг.
4. Касалхонага госпитализация керакми, агар шундай бўлса, касалхонани профилнинг аниқланг?
5. Даволаш?

#### "Ақлий ҳужум" усули

Бу тартибда ишлаш учун муҳокама очиш учун бир тўсиқ бўлиб психологик стресс, ишонч муҳитини бартараф қилиш керак. техникаси мавжуд чекловлардан ажратиш, номозов фикрлаш кенгайтириш динамик ақлий фаолиятини ривожлантириш, ўқув фаолиятини фаоллаштириш қобилиятини бирлаштиради. Усул ўрнини ҳимоя садоқат бошқаларга ишонч ҳосил қилиш учун, қовушув қуриш, оптимал ечим топиш учун, нуктаи ўз нуктасини ҳимоя қилиш, баҳслаша ўргатади.

Усул таъминлайди:

- фикрни кўтарилиши, яна ўзгача фикр, яхши, деб берилган;
- таклифларни кўпайиши;
- ғояларни бириктирлаши ва уларнинг ривожланиши;
- ғоялар шаклланишини олдини олиш ҳар қандай изоҳ ва танқидларни тақиқлаш;
- қисқа баёноتلар
- гуруҳларни ғояларни ишлаб қилганлар ва уларни қайта ишлашганлар қисмларга бўлиниш.



Талабаларга вазифа берилади. Жавоб давомида гоялар шаклланишини олдини олиш ҳар қандай танкидий фикр-мулоҳазалари ва баёнотлар қилиш ман этилади. Бу услуб ўз нуктасини химоя қилиш далиллар ўргатади, ҳар қандай вазиятда энг яхши ечим топиш имконини беради

### **“Асал ари тудаси” усулни қуллаш**

Гуруҳ муаммони 10-15 дақиқа ичида муҳокама қилади. Сунг муаммо ечимини топади ва ҳамкасабаларга айтиб беради. Энг яхши варианти танланади.

Масала: шифокор хузурига 36 ешли бемор А мурожат қилди. Шикоятлари: бемор тишларида қучли оғрик, бу оғрик бемор яшашига тасир кўрсатяпти, шу оғрик бўлмаганда бемор ҳаёти яхшиланиб кетарди, ери тирик бўларди, шу тишлари орасига шайтон кириб олган.

Объектив курувда: патология аниқланмади.

1. Сизнингча қайси патологиялар билан солиштирма ташхис утказиш керак?

2. КВП шароитида қандай асбобий ва лаборатор текширувлар утказиш зарур?

3. Сизнинг ташхисингиз? Асосланг

4. Госпитализация керакми, қайси стационарга?

5. Сизнинг тахминий давоингиз

### **РОЛЛИ ЎЙИНЛАР:**

#### **«Мушук қопда» усули**

Укитувчи олдиндан вазифаларни карточкаларга езиб ўйин иштирокчиларга таркатади. Иштирокчиларга биттадан карточка берилади ва улар саволарга езма жавоб берадилар. Сунг укитувчи жавоблар тўғрилигини текширади ва баҳолайди.

Тахминий вазифалар тематикаси:

1. Идрок патологиялари

2. Фикрлаш патологиялари

3. Онг патологиялари

4. Хотира патологиялари
5. Интелект патологиялари
6. Диққат патологиялари

### III. АНАЛИТИК ҚИСМ

#### ТЕСТЛАР

1. Сизгининг юзага келиши учун 5 шартни сананг:
  - a. Рецепторлар
  - b. Ядро анализатор ядроси (бош мия пўстлоғи)
  - c. Ўтказувчи йўллар (импульслар оўими йўналиши билан)
  - d. Таъсир манбаси
2. Сизгининг асосий хусусиятларига нималар киради?
  - a. сифати
  - b. интенсивлиги
  - c. давомийлиги
  - d. макондаги локализацияси
3. Идрокнинг асосий хусусиятларига қуйидагиларни киритиш мумкин:
  - a. предметлиги
  - b. яхлитлиги
  - c. тизимлиги
  - d. давомийлиги
4. Эслаб қолиш турларини кўрсатинг:
  - a. маъноли
  - b. механик
  - c. танланган
  - d. концентрик
  - e. перфоратив
5. Маълумотларни сақлаш ва мустахкамлаш давомийлигига кўра қандай хотира турлари фарқланади:
  - a. сенсо, сўзли-мантикий



- b. қисқа муддатли, узок муддатли
  - c. оператив, харакатли
  - d. эмоционал, образли
6. Фикрлаш жараёнининг фазалари:
- a. муаммонинг юзага келиши;
  - b. шу муаммога нисбатан гипотезанинг шаклланиши;
  - c. гипотезаларни ақлан текшириш (қарама-қарши қўйиш, таққослаш ва х.);
  - d. натижа, хулоса
7. Эмоция функцияларини санаб беринг:
- a. регулятор функция
  - b. бахолловчи функция
  - c. коммуникатив функция, стимулловчи
  - d. рағбатлантирувчи
8. Инсоннинг асосий, фундаментал хиссиётларини аниқланг:
- a. ғазаб
  - b. кўрқув
  - c. қайғу
  - d. шодлик
9. Иродавий жараённинг юзага келиш босқичларини санаб ўтинг:
- a. интилишнинг пайдо бўлиши ва мақсад қўйиш
  - b. мавжуд имкониятларни англаш
  - c. мотивларнинг пайдо бўлиши
  - d. мотивлар кураши ва танлов, қарор қабул қилиш
10. Ироданинг вазифалари:
- a. фаоллаштирувчи
  - b. тормозловчи
  - c. эмоционал
  - d. логик

## АМАЛИЙ ҚИСМ

### Психиатрия ва наркологияда ташхислаш асослари.

Рухий ва наркологик касалликлар ташхиси бир неча боскичларда амалга оширилади.

I боскич - касаллик белгиларини аниқлаш

II боскич — Беморнинг рухий ҳолатини синдром орқали баҳолаш

III боскич - рухий бузилишларнинг кечимини баҳолаш (узгаришларнинг бошланишидан то ҳозиргача баҳолаш).

IV боскич - нозологик ташхис<sup>^</sup> яъни дифференциал-ташхис утказишдан кейин конкрет касаллик борлиги аниқлаш.

V боскич - индивидуал (конкрет беморга) ташхис қуйиш.

#### Экспериментал-психологик усуллар

Экспериментал-психологик қуйидаги усулларга ажратилади:

1) Психологик тажриба клиник-психопатологик ташхислаш жараёнининг маълум бир даври. Тажриба мақсади психопатологик узгаришларнинг ҳозирда бор-йўқлигини аниқлаш (табиий эксперимент). Бемор билан ҳар кунги муложаатлар натижасида амалга оширилади.

2) Психологик тажрибани психопатологияга хос булмаган рухий ҳолатларни аниқлашда ишлатиш. Бу тажрибалар фақат патопсихологлар томонидан амалга оширилади.

Врач-наркологлар қуйидаги психологик усуллардан фойдаланишлари мумкин:

**Корректурга тести** -- беморга стандарт ёзмада бир-икки ҳарфларни танлаб уларни тагига чизиш орқали олиб борилади («К» и «Р»). Тажриба вақтида врач ҳар 30-60 сонияларни ёзмада бемор калами жойлашган қаторни белгилаб боради ва тажриба охирида кетгазилган вақтни умумий ҳисоблайди.

**Шульте жадвали:** 1 дан 25 гача булган сонларни коғозда турли катакларга тартибсиз жойлаштирилган 5 жадвалдан фойдаланилади. Беморларга навбат билан ҳар бир жадвалда 1дан 25 гача сонларини тартибли овоз чиқариб курсатиш таклиф этилади. Ҳар бир жадвалга кетган вақт секундомер орқали аниқланади.

**Крепелин ҳисоби усули** - устунларда курсатилган сонларни ҳисоблаш. Усул **ирода, чарчашлик, руҳият жадаллиги ва диққат** узгаришларини аниқлашда ишлатилади.

**Маълум сонларни айриш:** катта сонлардан кичик сонларни кетма-кет айриш. Масалан, 100-7; 93-7 ва х.к. Бу тажриба орқали **ҳисоблаш, диққат даражаси, аклин жараёнларнинг тезлиги** аниқланади.

**Хотира бузилишларни аниқлаш усуллари:**

**Сузлар ва сонларни эсда сақлаш.** Тажриба олиб борувчи беморларга 10 сузни тушунарли ва шонилмасдан 5 марта айтади ва бу сузларни ҳар маротаба кайтаришни таклиф этади.

**Пиктограмма.** Бу усул А.Р.Лурия томонидан таклиф этилган булиб, сузларни ифодалар орқали хотирада сақлаб қолишга мулжалланган



**Тафаккур жараёларини текшириш усуллари.**

**Предметларни таснифлаш.** Усул умумлаштириш ва абстракциялаш жараёнларини текширишга мулжалланган

**Тушунчаларни таккослаш.** Бу усул анализ- синтез жараёнлари, узаро боғланишлар ҳосил қилиш ва умумлаштириш жараёнларини урганишга мулжалланган.

**Метафора ва мақоллар мазмунларини изохлаш.**

Асосан

умумлаштириш ва абстракциялаш жараёнларини текширишга мулжалланган. Агар мақоллар тугридан-тугри ифода этилса бу фикрлаш жараёнининг паст даражада эканлигини курсатади.

«Туртинчиси ортикча» усули умумлаштириш ва абстракциялаш жараёнларини текширишга мулжалланган.

Ақл жараёнлари текширишда ишлатиладиган хорижий усуллар:

**Бине - Симон усули** бошлангич синф укучиларининг ақл ривожланиши курсатади.

**Бекслер тести** - 11 майда усуллардан ташкил топиб, маълум микдори сузлаш орқали (умумий билимлар, тушунчалар, ҳисоблаш, ухшашликлар тузиш, суз бойлиги ва б.), колганлари хатти-харакат орқали (етишмаган булақларни топиш, Коос кубиклари, шаклларни йиғиш ва б.) бажарилади.

**Равен жадвали:** бир неча шакллар туширилган расмларда улар орасидаги боғлиқликлар, ухшашликлар ёки прогрессив узғаришларни изохлаш тақлиф этилади.

**Бош мия фаолиятини аниқлашда инструментал усуллардан фойдаланиш**

Беморларда органик касалликларни ёки бош мия функционал ҳолатини аниқлаш мақсадида турли инструментал, баъзи ҳолларда компьютерда ҳисоблаш ва аниқлаш усулларидан фойдаланилади.

Куп кулланиладиган инструментал усуллардан қуйидагилар ажратилади:

**Электрэнцефалография (ЭЭГ)** -- бош мия суяги шикастланмасдан унинг электр активлигини аниқлаш ва улар орқали баъзи органик патологик жараёнларнинг жойлашиши ва хусусиятларини аниқлаш.

**Реоэнцефалография** - бош мия кон томирларининг фаолиятини аниқлаш усулидир.

**ЭхоЭГ** - бош миани ультразвук билан аниқлаш усули булиб унинг ичидаги патологик узғаришларни (мия усимтаси, абсцесс, субдурал ва эпидурал гематомалар, бош мия жароҳатлари ва кон айланишининг уткир бузилишлари) аниқлашда кулланилади.

**Краниография** - бош мия суяги ва ички тузилишлари ҳолатини контраст моддаларсиз рентген нурлари билан аниқлашдир.

**Пневмоэнцефалография** - бош мия суюқликлари (ликвор) фазосига ҳаво еки кислород киритиш билан мия қозончалари ва субарахноидал фазоларнинг ҳолатларини краниограмма орқали аниқлаш.

**Ангиография** — контраст ёки радиоактив моддаларни кон томирларига киритиб урганиш краниография билан биргаликда фойдаланилади ва бош мия кон томирлари холатини аниклаш учун кулланилади.

**Компьютер томографияси** - рентгенодиагностиканинг янги усули булиб рентген ва компьютердан биргаликда фойдаланиш. Мия усимтаси, жарохатлари ва турли хил бош мия бузилишларини ташхислашда кулланилади.

## V. НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Психологиянинг асосий ривожланиш босқичлари қандай?
2. Психологияга фан сифатида таъриф беринг.
3. Рухиятга таъриф беринг.
4. Рухиятнинг структураси қандай?
5. Психологияда қўлланиладиган асосий усуллар хақида маълумот беринг.
6. «Сезги» бу нима?
7. Мазкур рухий жараённинг асосий характеристикалари қандай?
8. Сезгининг физиологик механизми бўлиб нима хисобланади?
9. Сезгининг асосий турларини ёритинг.
10. Сезгининг асосий хусусиятларини айтиб беринг.
11. Сезгининг абсолют ва нисбий бўсағалари хақида маълумот беринг?
12. Идрокга рухий жараён сифатида таъриф беринг.
13. Идрокнинг асосий хусусиятларини таърифланг.
14. Тафаккурнинг асосий характеристикасини ёритинг.
15. Тафаккурнинг асосий турлари хақида маълумот беринг.
16. Тафаккурнинг мантикий шакллари хақида айтиб беринг.
17. Қандай фикрлаш операциялари хақида биласиз?
18. Уларнинг хар бирига таъриф беринг.
19. Тафаккур ривожланишининг асосий босқичлари хақида маълумот беринг.
20. Хиссиётга таъриф беринг.
21. Хиссиётларнинг асосий хусусиятларини санаб ўтинг.
22. Хиссиётларнинг вазифаси нималардан иборат?
23. Қандай эмоционал холатлар Сизга таниш?
24. Эмоциялар ва хиссиётлар орасидаги фарқ?
25. Иродага хулкни онгли назорат килувчи жараён сифатида таъриф беринг.
26. Иродавий фаолият жараёнини таърифланг.
27. Ироданинг физиологик асоси бўлиб нима хисобланади?
28. Инсоннинг иродавий сифатларига нималар киради?
29. Хотирага рухий жараён сифатида таъриф беринг.
30. Хотиранинг асосий турларига айтиб беринг.
31. Эслаб қолишнинг асосий турларини таърифланг.



32. Хотирани мустахкамлашга қаратилган қандай усул ва машқларни биласиз?
33. Дикқатга рухий жараён сифатида таъриф беринг.
34. Дикқатнинг физиологик механизмлари ҳақида маълумот беринг.
35. Дикқатнинг қандай турларини биласиз?
36. Ихтиёрий ва ихтиёрсиз дикқат турларига таъриф беринг.

## VI. ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

Асосий:

1. Ходжаева Н.И., Шоюсупова А.Ю., "Психиатрия" Т. 2013 г.
2. Шабанов П.Д "Наркология" 2017 г.
3. Коркина М.Б. "Психиатрия" 2014 г.
4. Аграновский М.Л "Психиатрия" 2012 г.

Қўшимча адабиётлар :

1. Тиббиёт психологияси Ибодиллаев З.Р. – Т., 2012 й.
2. Веккер Л.М.. Психические процессы: В 3-х т. Т.1. – Изд-во ЛГУ, 2004.
3. Величковский Б.М. Современная когнитивная психология. – М.: Изд-во МГУ, 2002
4. Виллонас В.К. Психология эмоциональных явлений. – М., 2002.
5. Выготский Л.С. Развитие высших психических функций. – М., 2000.
6. Ганзен В.А. Восприятие целостных объектов. – ЛГУ, 2001
7. Годфруа Ж. Что такое психология: В 2-х т. – М.: Изд-во «Мир», 2002.
8. Изард К.Е. Эмоции человека. – М., 2000
9. Ильин Е.П. Психология воли. – СПб.: Питер, 2000.
10. Клиническая психология: учебник /Под ред. Б.Д. Карвасарского.– СПб: Питер, 2002
11. Ковалев В.В. Личность и ее нарушения при соматической болезни//Роль психического фактора в происхождении и лечении соматических болезней. – М., 2002.
12. Лурия А.Р. Язык и тафаккур. – МГУ, 1999.

**Тошкент тиббиёт академиясиен Кенгашнинг 2021 йил 27 январдаги  
8-сонли баённомасидан кўчирма**

**Кенгаш раиси:** т.ф.д., профессор А.К.Шадманов

**Илмий котиб:** т.ф.д., профессор Г.А.Исмаилова

**Қатнашчилар:** кенгаш аъзолари (73 киши)

**Кун тартиби:**

4.Ўқув-услубий ва ўқув қўлланмалар тасдиғи

**ЭШИТИЛДИ:**

ТТА илмий котиби Г.А.Исмаилова сўзга чиқиб, Тошкент тиббиёт академиясиен Психиатрия ва наркологиия кафедраси ходимлари Н.А.Умуоров, М.Н.Ражабов ва М.Э.Турдиевалар томонидан «Ижтимоий таъминот ва соғлиқни сақлаш-500000», «Соғлиқни сақлаш-510000», таълим йўналишлари: «5510100-Даволаш иши, 5111000-Қасб таълими» 5-курс талабалари учун ўзбек тилида тайёрланган «Умумий психопатология. Аниқлаш эрта таъхислаш» номли ўқув қўлланмаси билан кенгаш аъзоларини таништирди ва тасдиқлаш учун овозга қўйди.

**ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

Тошкент тиббиёт академиясиен Психиатрия ва наркологиия кафедраси ходимлари Н.А.Умуоров, М.Н.Ражабов ва М.Э.Турдиевалар томонидан «Ижтимоий таъминот ва соғлиқни сақлаш-500000», «Соғлиқни сақлаш-510000», таълим йўналишлари: «5510100-Даволаш иши, 5111000-Қасб таълими» 5-курс талабалари учун ўзбек тилида тайёрланган «Умумий психопатология. Аниқлаш эрта таъхислаш» номли ўқув қўлланмаси тасдиқлансин.

**Кенгаш раиси:**

А.К.Шадманов

**Илмий котиб:**

Г.А.Исмаилова

**Илмий котиб  
аслига тўғри:**



Г.А.Исмаилова



Объем- 1.0.Тираж-80. Формат 60/80. ¼.Заказ №184-2021. Отпечатано «GoldImage»  
100102 Ул. Мехржон 2, тел (99899)512-00-00,e-mail: [goldimage@mail.ru](mailto:goldimage@mail.ru)